


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



**5411100 – Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш
технологияси таълим йўналиши негизидаги:**

- 5А41101 – Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси;**
- р/й-Зиравор ва хушбўй ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш
технологияси магистратура мутахассисликларига қирувчилар учун
махеус (ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тошкент – 2021 й.

Аннотация

Дастур 5А411101 – Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислигига кировчилар учун 5411100 – Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналишининг 2017-2018 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчи:

Қайсаров В.Т. – ТДАУ, Доривор ўсимликлар кафедраси мудири, б.ф.н., доцент.

Такризчи:

Тўхтаев Б.Ё. –“Шафран” илмий тадқиқот маркази МЧЖ директори биология фанлари доктори, профессор

Дастур ва баҳолаш мезони Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашининг 2021 йил “3” июлдаги 14-сонли баёни билан муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия қилинган.

КИРИШ

5411100 – Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси бакалавриат таълим йўналиши - фан ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалигининг ишлаб чиқариш соҳаси йўналиши бўлиб, ер, сув, энергетик ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш мақсадида фармацевтика саноати учун доривор хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқиш, уларни экин майдонларини борпо этиш мақсадида- уруг тайёрлаш, кўчат етиштириш, кўпайтириш ва саноат плантацияларини барпо этиш технологияларига, соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўникма, мутассаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликнинг вазифаси – талабалар билимини чуқурлаштириш, доривор ўсимлик плантацияси маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ер, сув, энергетика ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришдан иборат бўлган қишлоқ хўжалиги тармогидаги фан ва ишлаб чиқариш; доривор ўсимликшуносликда илмий-тадқиқотлар ўтказиш; ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими муассасаларда махсус фанларни ўқитишни ташкиллаштириш бўйича ҳамда илгор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборат.

5411100 – Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси бакалавриат таълим йўналиши негизидаги 5A411101 – магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 5 та ихтисослик фанлари: Табиий доривор ўсимликлар, Доривор ўсимликларни биологияси ва экологияси, Доривор ўсимликлар интродукцияси, Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси, Доривор ўсимлик хом ашёларини тайёрлаш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш бўйича тест саволлари шакллантирилган.

Табиий доривор ўсимликлар фани бўйича:

“Табиий доривор ўсимликлар” фани Чет эл флораси ва Ўзбекистон флорасида табиий ҳолда тарқалган асосий доривор ўсимликлар турлари, уларни тарқалиш ареали, табиий популяцияси ва ресурслари, дориворлик хусусиятлари ҳақида атрофлича маълумот берилади ва ўргатилади.

Ўзбекистон флораси ўзининг хилма-хил наботот олами билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, тоғ минлақаларида шу минтақа экологик шароитларига мос ўсимликлар тарқалган бўлса, чўл худуди ўсимликлари ўзининг хилма хиллиги билан алоҳида фарқланади.

Ҳозирги пайтда тиббиётда қўлланилаётган доривор воситаларнинг 50% ўсимлик хом-ашёси захираси асосида ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга доривор ўсимликлар билан даволашга асосланган халқ табobati усулларига кизиқиш ортмоқда.

Ўзбекистон флорасида табиий ҳолда кийик ўти, тоғ райҳон, радиола, сумбул, дўлана, бодом, писта, жийда, зирк, наъматак, чаканда, шилви, эфедра, далачай, бўзоч, бўйи модарон, ялпиз ва бошқалар каби бебаҳо доривор ўсимликлар захираларига бойдир. Шу боис, мазкур фанни ўзлаштирилиши Ўзбекистон флораси доривор ўсимликлари табиий ресурсларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Доривор ўсимликларни биологияси ва экологияси фани бўйича

Ушбу фан республикамиз шароитида табиий ва маданий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни биологияси ва экологиясини комплекс ўрганишга қаратилган. Доривор ўсимлик турларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, уларни биологик ва экологик гуруҳлаш, табиий популяцияси ва ресурслари ҳамда кейинчалик уларни маданий ҳолда экин майдонларини барпо этишда асос бўлиб хизмат қилади. Биологик ресурслардан жадал фойдаланиш ўсимлик табиий захираларининг чегараланиб қолишига ва табиий биохилма-хилликни камайишигасабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда 700 тадан ортиқ доривор ўсимлик турлари аниқланган. Уларнинг 120 та турдан ортиқ доривор ўсимликлардан дори воситалари ишлаб чиқарилади.

Сўнгги йилларда маҳаллий флорамизда эндем, арели торайиб бораётган, халқ хўжалигида фойдаланиш коэффциенти (озик-овқат, фармацевтика, лак бўёқ, тўқимачилик ва б.қ.) юкори бўлган ўсимликлар турлари муҳофазага муҳтож бўлиб қолмоқда ёки Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган бўлиб, уларнинг сони 301 тага етди. Шу боис, доривор ўсимликларни муҳофазаси учун, уларнинг биологияси ва экологиясини атрофлича ўрганиш, уларни маданийлаштириш ва саноат плантацияларини барпо этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Макур фан доривор ўсимликлар турларининг биоэкологик хусусиятлари ва муҳофаза қилиш усулларини ўрганиш каби муҳим назарий ва амалий билимларни қамраб олади.

Доривор ўсимликлар интродукцияси фани бўйича:

Ушбу фанда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20-апрелдаги №32 сонли баённомаси, 16-бандини ижросини таъминлаш мақсадида “Тиббиёт амалиётига жорий этилган доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорликда мақсадли изланишлар олиб бориш” назарда тутилган.

Республикамизнинг турли иқлим ва тупроқ шароитларига (сугориладиган, лалмикор, шўр ерларда ва б.к.) доривор ўсимликларни интродукциясининг назарий ва амалий аҳамияти, интродукция моҳияти ва услублари, интродукция омиллари ва лимит омиллар, интродукция шароитида дастлабки агротехник қаровларни амалга ошириш масаларини қамраб олади.

Фан чет эл флорасига мансуб истиқболли доривор ўсимлик турларини танлаш ва янги шароитга интродукция қилиш механизми, интродукция босқичларини ва усулларини, интродукция шароитида доривор ўсимликларни ўстириш ва кўпайтириш усулларини, доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва коллекцияларини яратиш усуллари, интродуцентларнинг агротехникасинир ишлаб чиқиш, ЎзР “Қизил китоби” га киритилган доривор ўсимликлар турларини ўрганиш ва интродукция қилиш каби билимларни қамраб олади.

Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси фани бўйича:

Доривор ўсимликларни етиштириш фани шу соҳадаги фанлар ичида асосий ўқитиладиган баъзавий фан бўлиб, маданий ҳолда доривор ўсимликларни етиштириш технологияларини назарий ва амалий асосларини ўргатишга қаратилган. Уни ўзлаштириш давомида мутахассислар Ўзбекистон шароитида доривор ўсимликларни етиштириш, улардан сифатли хом ашё тайёрлаш ҳамда маҳаллий флорани янги интродуцент ўсимлик турлари билан бойитиш бўйича назарий ва амалий билимларни қамраб олганлар.

Мазкур фан доирасида доривор ўсимликларни биоэкологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий жойлаштиришни, доривор ўсимликларни етиштиришда ерни экишга тайёрлаш, экиш, қатор ораларига ишлов бериш, сугориш ва минерал озиклантириш, алмашлаб экиш, бегона ўтларга қарши кураш усулларини маданийлаштириш даражаси, плантацияларини ташкил этиш технологияси, ҳисоб-технологик хариталарини ишлаб чиқиш каби кўникмаларни шакллантирган.

Доривор ўсимлик хом ашёларини тайёрлаш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш фани бўйича:

Ушбу фан фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш, қуритиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усулларини ўзлаштириш бўйича ва билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш назарда тутилган.

Фармацевтика саноатини доривор ўсимликлар хом ашёсига бўлган талабни қондириш, бевосита доривор ўсимликларни меъёردа қуритиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси билан боғлиқ. Бунда етиштирилган маҳсулотни тайёрлаш, қуритиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун махсус малакалар талаб этилади. Доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни сақлаб қолиш, ФС талабларига доир

маълумотлар, хом ашёни норматив меъёрий хужжатлар асосида расмийлаштириш киби масалаларга эътибор қаратилган. Музкур фанда хом ашёни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлар масалаларига доир маълумотлар атрофлича баён этилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сонли Фармони.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

6. «Ўрмон тўғрисида» ги қонун.

7. Аҳмедов Ў. Эргашев А., Абзалов.А Доривор ўсимликлар ва уларни ўстириш технологияси. Ўқув қўлланма.Тошкент. 2008. 232 б

8. Мазнев Н.И. Высокоэффективные лекарственные растения. Большая энциклопедия народной медицины. М.: Эксмо, 2012. — 656 с.

9. Ивашин Д.С., Катина З.Ф., Рибачук Ч.З. Справочник по заготовки лекарственных растений. Киев 1989г. Дарслик 170 с

10. Холматов Х.Х., Аҳмедов У.А. Фармакагнозия. Дарслик. Т., 1995й.370б.

11. Х.Х. Халматов, А.Х. Усмонхўжаев, М.И. Махсумов, Ў.А. Аҳмедов. Атлас лекарственных растений узбекистана

12. Х.Х. Халматов, И.А. Харламов, З.И. Мавланкулова. Лекарственные растения Центральной Азии. Т., изд. мед. литературы им. Абу Али ибн Сино, 1998, 296 с.

13. А.Эргашев, Ў.Аҳмедов, А.Абзалов, М.Юлчиева, А.Маматкаримов «Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси» Тошкент 2009

Интернет сайтлар

<http://uznix.narod.ru>

<http://www.floranimal.ru/lists/a.htm/>

www.ziyo.net.uz

www.natlib.uz

Магистратурага киришда ўтказиладиган синов фани бўйича кирувчилар билимини баҳолаш МЕЗОНИ

Магистратурага қабул Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқиши кўчиши, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли Қарор билан тасдиқланган 2-илова “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” асосида амалга оширилади.

1. Магистратурага кирувчилар кириш синовларини (қишлоқ хўжалиги ОТМларида) ўқитиладиган тилар, яъни ўзбек ва рус тилларида топширадилар.

2. Магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича махсус фандан синов.

Магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фандан синов ўтказилади (барча мутахассислик фанларда кириш имтиҳонлари ёзма усулда) 1 та саволга 20 баллдан тўғри келади жами 5 та саволдан максимал 100 баллни тўплаш мумкин.

№	Умумий балл	Баҳо	Магистратурага кирувчининг билим даражаси	Хусусий балл
1.	17,2-20	Аъло	Қўйилган саволга жавоб мазмунан аниқ ёритилган, унинг мазмун ва моҳияти тўлиқ очиқ берилган, жавобда мантиқий яхлитликка эришилган.	5,5-6
			Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлили, унинг амалий самаралари, натижалари бўйича мустақил, ижодий фикрнинг мавжудлиги.	5,5-6
			Мантиқий кетма-кетликка эришилганлик, савол бўйича умумий хулосалар чиқарилганлиги.	5-6
			Имло ва статистик хатоларга йўл қўйилмаган	1,2-2
2.	14,2-17	Яхши	Берилган саволга тўғри жавоб ёзилган, аммо иқтисодий кўрсаткичлар, саналарда ноаниқликлар ва чалкашликларга йўл қўйилган.	4,5-5
			Саволга жавоб ёзишда абитуриентнинг мустақил фикрлаш қobiliяти сезилади.	4,5-5
			Жавобларда ижодий ёндошув мавжуд.	4-5

			Муаммони аниқ мисоллар билан таҳлил қилиш қобилиятига эга.	1,2-2
3.	11-14	Қоникарли	Жавобда масаланинг моҳияти тушунтирилган, бироқ мазмун ва натижалар юзаки ёритилган.	3,5-4
			Жавобда фикрлар тарқок.	3,5-4
			Мантиқий кетма-кетлик мавжуд эмас.	3-4
			Берилган савол бўйича умумий тасаввурга эга, лекин таҳлил етарли эмас.	1-2
4.	0-10,8	Қоникарсиз	Саволга умуман жавоб ёзилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас. Нотўғри жавоб берилган. Ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчирилган.	0-10,8

3. Магистратурага мутахассислик бўйича махсус фандан кириш синови учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам тўплаганлар магистратурага қабул қилинмайди.

МАСЪУЛ КОТИБ:



Т.ХУШВАҚТОВ